

Тошкент вилоятида инвестиция ва экспорт кўрсаткичлари тўғрисида маълумот

Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар.

2020 йил учун вилоятда **56** та лойиҳа доирасида **309,2** млн. долл., шундан **270,5** млн. долл. тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ўзлаштириш белгиланган.

Йил якуни билан белгиланган режа **322,5** млн долл. ёки **119** фоизга бажарилди.

2021 йил учун умумий қиймати **1 095,5** млн. долл. бўлган **107** та лойиҳа доирасида **371,8** млн долл. 2020 йилга нисбатан **114** фоиз ўсиш суръати билан инвестицияларни ўзлаштиришни режа қилиб олганмиз.

Ўтган йилда **22** та ҳудудда **56** та хорижий инвестициялар иштирокидаги лойиҳалар амалга оширилган бўлса, 2021 йилда барча ҳудудларда тенг равишда **107** та тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар иштирокидаги лойиҳалар амалга оширилиши белгиланган.

Шундан, январь ойи учун **10,2** млн. доллар режа прогнози белгиланган бўлиб, **12,9** млн. доллар инвестициялар ўзлаштирилди ёки **126** фоизга бажарилди.

Январь-февраль ойлари учун **27,6** млн. доллар хорижий инвестициялар ўзлаштирилиши белгиланган бўлиб, **35,9** млн.долларга ёки **130** фоизга бажарилди.

1-чорак якуни билан белгиланган **48,5** млн. доллар режа прогнози **63,1** млн.долларга ёки **130** фоизга бажарилиши кутилмоқда.

Вилоятга жалб этилган жами инвестицияларнинг **40** фоизини Хитой, **14** фоизи Корея, **9** фоизини Россия **8** фоизини Туркия, **6** фоиз Англия, ва **23** фоизини бошқа давлатлар инвесторлари ҳиссасига тўғри келмоқда.

Тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш бўйича 2019 йилда **36** та, 2020 йилда **43** та давлатлар билан ҳамкорликда лойиҳалар амалга оширилган бўлса, 2021 йилда **52** та, 2022 йилда **57** та, 2023 йилда **66** та давлатлар компаниялари иштирокида янги инвестиция лойиҳалари амалга ошириш бўйича музокаралар ва келишувларни имзолаш ишлари олиб борилмоқда.